

ХУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ВА МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532666>

Б.Турсунов

и.ф.д., проф., ТДИУ

Email: b.tursunov@tsue.uz

М.Ашуров

таянч докторант, НамМТИ

Email: ashurov.m@gmail.com

Ф.Акрамжонов

таянч докторант, НамМТИ

Email: f.akramjonov@gmail.com

***Аннотация.** Ушбу мақолада ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш стратегиясининг амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.*

***Калит сўзлари:** маҳалла, хонадон, даромад, иқтисодий ривожланиш, ҳудуд.*

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются практические аспекты стратегии комплексного и сбалансированного развития регионов.*

***Ключевые слова:** микрорайон, домохозяйство, доход, экономическое развитие, территория.*

***Abstract:** This article discusses the practical aspects of the strategy for integrated and balanced regional development.*

***Key words:** microdistrict, household, income, economic development, territory.*

КИРИШ.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланиб, иқтисодиётда узиш кузатилмоқда. Пировардида, аҳолининг ишчанлик кайфияти кутарилиб, товар ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматлар курсатиш сифати ошмоқда, уларнинг турлари купаймоқда. Ҳудудларнинг урта ва узок муддатларга мулжалланган ижтимоий-иқтисодий тараккиёт параметрлари аниқланиб, ривожланиш стратегиялари белгилаб олинмоқда. [2]

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги нотеқисликни уларнинг республика ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ҳиссалари фарқларни таҳлил қилиш орқали ифодалаш мумкин.

Маълумки, 2019 йилда бошланган Covid-19 дан кейинги содир бўлаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жараёнлари бозор муносабатларига ўтишнинг тўлиқ эмаслиги ва геосиёсий вазиятнинг беқарорлиги билан бирга келади. Коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6038-сон Фармонида мувофиқ кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож одамларга кенг қўламли ижтимоий ёрдам кўрсатилди.[1]

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сон қарори имзоланган. Хужжат билан 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг йиғма параметрлари тасдиқланди. Унга кўра республиканинг 5284 та маҳалласида ички йўллар, ичимлик сув таъминоти, оқава сув таъминоти, электр ва газ таъминоти, таълим муассасалари, маданият, спорт ва бошқа объектларни ривожлантириш белгилан. [3]

Наманган вилоятида 788 та маҳалла мавжуд бўлиб, бунда 526,7 минг хонадондаги 753,5 минг оилаларда 2 997,6 минг нафар фуқаролар истиқомат қилади.

Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан жорий йил бошидан 526,7 мингта (100%) хонадонлар хатловдан ўтказилиб, иқтисодий аҳволига кўра 4 та тоифага ажратиб олинди.

биринчи тоифа – даромади кам, бироқ даромад топишга ҳаракат қилаётган хонадонлар 78,2 мингта (14,8 фоиз);

иккинчи тоифа – доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш истагидаги хонадонлар 204,6 мингта (38,6 фоиз);

учинчи тоифа – ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган хонадонлар 39,7 мингта (7,5 фоиз);

тўртинчи тоифа – иқтисодий аҳволи яхши ва ўзига тўқ хонадонлар 206,3 мингтани (39,1 фоиз) ташкил этмоқда.

Ўтказилган хатловлар бўйича биринчи ва иккинчи ярим йиллик йўл-хариталари тасдиқланган.

2022 йил давомида 231,2 минг нафар фуқаролар даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди Жумладан,

- 74 505 нафарини доимий ва жамоат ишларига жойлаштирилди (*доимий ишга 61 283 нафар, жамоат ишларга 13 222 нафар*)

- 91 465 нафари ўзини ўзи банд қилинди.

-14 122 нафари касб-хунарга ўқитилди

- Оилавий тадбиркорлик йўналишида вилоятга ажратилган 865 млрд.сўм кредит лимитидан тавсияномалар асосида 21 133 нафар фуқарога 482,5 млрд.сўм кредит ажратилиб бандлиги таъминланди.

- Ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат қуроллари ва асбоб ускуналари учун жамғарма маблағлари ҳисобидан 4 514 та фуқарога 13,4 млрд.сўмлик субсидиялар ажратилди.

- ПҚ-20-сонли қарор асосида 8 165 гектар (*60 280 лот*) ер майдонларини ажратиш ҳисобига 60 280 нафар аҳолини бандлигини таъминланди.

- Хунармандчиликни йўналишида 5 839 нафар иш ўринлари яратилди (*754 нафари хунарманд, 5 105 нафари шогирд*)

Бундан ташқари, вилоятда кичик бизнес субъектларини икки баробарга ошириш мақсадида;

- 5 542 та юридик ва 5 961 та яқка тартибдаги янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши натижасида 11 503 та янги иш ўринлари яратилди.

2023 йилда жами 314,9 минг. нафар фуқаролар даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланади.

1-чоракнинг ўзида 78 725 нафари бандлиги таъминланади. Жумладан,

- 103 317 нафари доимий, мавсумий ва жамоат ишларига жойлаштирилади шундан, 1-чоракда 39 325 нафари бандлиги таъминланади.

Шунингдек, 119 100 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилинади шундан, 29 775 нафари 1-чоракда рўйхатдан ўтказилди

-25 280 нафар касб-хунарга ўқитилиб, шундан 6 450 нафари 1-чоракда ўқитилди.

- Оилавий тадбиркорлик йўналишида 27 564 нафар фуқароларга 800,5 млрд.сўм кредитлар ажратилиб бандлиги таъминланади, 1-чоракда 6 891 нафар фуқароларга 200,1 млрд.сўм имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

- Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, меҳнат қуроллари ва асбоб ускуналари учун жами 8 132 нафар фуқароларга 39,2 млрд. сўмлик шундан, 1-чоракнинг ўзида 2 033 нафар фуқароларга 9,8 млрд. сўмлик субсидиялар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-373-сон қарорига асосан 2023 йилда 9 056 гектар (78 400 *лот*) ер майдонлари очик электрон танлов орқали ижарага берилиб 78 400 нафар аҳолини бандлигини таъминланди, шундан 2 264 гектар ер майдонлари (19 600 *лот*) 19 600 нафар аҳолига 1-чорак якунига қадар ажратилди.

- Хунармандчилик йўналишида 7 100 нафар иш ўринлари шундан, 1-чорак давомида 1 775 нафар янги иш ўринлари яратилди.

- 6 700 та юридик ва 8 140 та яқка тартибдаги янги тадбиркорлик субъектларида 14 840 та янги иш ўринлари шундан 1-чоракнинг ўзида 1 675 та юридик ва 2 035 та яқка тартибдаги янги тадбиркорлик субъектларида 3 710 та янги иш ўринлари яратилди.

ХУЛОСА

Янги Ўзбекистон стратегиясида худудларни мутаносиб ривожлантириш орқали худудий иктисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш ҳамда 14 та худуд буйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик худудий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий-иктисодий ривожланиш рейтинг курсаткичлари "кониқарсиз" булган шаҳар ва туманлар буйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширилади. Худудларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсатини янада такомиллаштириш асосан Самарқанд ва Наманган шаҳарларини истикболда "миллионлик шаҳарлар"га айлантириш буйича чоралар куриш, 450 минг аҳолига мулжалланган Янги Андижон шаҳрининг дастлабки бир нечта мавзеларини куриб, фойдаланишга топшириш масалаларига эътибор қаратилиш лозим. Кашқадарё вилоятининг урбанизация даражасини 50 фоизга етказиш. Шаҳарлардаги аҳолининг турмуш тарзи қулайлигини баҳоловчи "Шаҳарлар қулайлиги" индексини жорий этиш. Шаҳарларни рақамлаштириш, курилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш ва "Ақлли шаҳар" концепциясига мувофиқ ривожлантириш. Тошкент шаҳрида барпо этилган "INNO" инновацион укув-ишлаб чиқариш технопаркини 4 та худудда ташкил этиш. Инновацион худудга айлантирилаётган туманларда юқори қушилган қиймат яратадиган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини узлаштириш. Олий таълим муассасаларида архитектура-курилиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларни амалиёт билан уйғунлаштириш. Қурилиш соҳасини техник тартибга солиш. Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва шаҳарсозлик хужжатлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш. Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш. Реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар урнига 19 миллион квадрат

метрдан ортик замонавий уй-жойларни барпо этиш, 275 мингдан зиёд оиланинг янги массивларга кучиб утиши учун шароит яратиш Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган. [2]

Шубаҳасиз, ушбу амалий ишларни бажариш асосида маҳалаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Shavkat Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To'ldirilgan ikkinchi nashri. -Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022. - 416 bet.
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/yangi-zbekiston-ududlarni-izhtimoiy-i-tisodiy-rivozhlantirish-strategiyasi>.
3. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/mahallalar_infratuzilmasini_rivojlantirish_uchun_7_trln_sumdan_zied_mablag_yunaltiriladi